3 897

ТИЛЛО ҚУББАЛИ МИНОРА

25 асрлик тўйини нишонлашга ҳозирлик кўраётган Хевадаги Исломхўжа минораси ўз асл ҳолига қайтди. Қубба юқори сифатли олтин билан қайта таъмирланди. Самарқандлик ҳунарманд-мутахассислар бу ишни қисқа фурсатда амалга оширдилар. Қуббага аъло сифатли 16 грамм соф олтин сарфланди. Юбилейгача Паҳлавон Маҳмуд мақбараси гумбазидаги қубба ҳам ана шундай усулда таъмирланади.

Рўзимбой ҲАСАН.

ЯНГИ ҚУВВАТ ТИЗИМИ

Қўнғиротда бунёд бўлаётган сода заводига Қорақалпоғистон "Электр тармоғи" корхонаси Тахиатошдан 140 км. масофада янги қувват симларини ўтказмоқда. Натижада янги корхона билан бирга газ компрессор станцияси ва темир йўл қувват билан таъминланади. Янги тармоқ Устюрт орқали мамлакатимизни қозоқлар диёри энергетика тизими билан боғлашда муҳим восита бўлади. Қўнғирот-Бейнов темир йўлида электр таъминоти яхшиланади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

ЙИЛНОМАСИ

9 ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР АВГУСТ ЖАРЧАСИ

РЕГИСТОН МАЙДОНИДА – ОПЕРА

Қадимий Самарқанд шаҳрида "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Юртимиз бастакорлари ижодига мансуб "Буюк ипак йўли" ва "Улуғбек буржи" мусиқали опералари фестиваль дастуридан ўрин олган. Ажиб кашфиёт деб баҳоланаётган "Улуғбек буржи" операсининг Регистон майдонида қўйилиши кўпчиликда яхши таассурот қолдириши табиий.

Ўсар АБДУРАҲИМОВ.

ЎЗБЕК САНЪАТИ АНТАЛИЯДА

Туркиянинг Анталия шаҳрида халқаро рақс фестивалини ўтказиш анъанага айланган. Кўрик ҳайъати Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқувчиларини бу обрўли танловга таклиф этди. 5 сентябрда бошланадиган бу санъат намойишига олий мактабнинг 16 рақосаси ҳозирлик кўрмоқда. Улар ўзбек миллий ва мумтоз рақслардан гулдаста ҳозирламоқдалар.

Мунира АЗИМОВА.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 9 август, шанба № 93 (22.177).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ *1994 йил 10 август* — ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё—Америка тадбиркорлик жамғармаси раиси Стефан Соларзни қабул қилди. Суҳбат давомида мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш, кенгайтириш учун молиявий, техник ёрдам беришда жамғарма томонидан кўрсатилажак кўмак яхши самаралар беришига умид билдирилди.***

✓ *1996 йил 9 август* — ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун хўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора — тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.***

ВАТАН ХАРИТАСИ

Самарқандда «Кардлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур» ва «Таълим тўғрисида»ги қонун лойиҳалари муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлди.

***

Тошкентдаги Ҳиндистон маданият марказида иқтидорли ҳинд рассоми Рам Кишер Ядав кўргазмаси очилди.

***

Республика оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондида «Ўзбекистонда замонавий ахборот маконининг шаклланиши» мавзуида илмий амалий семинар бўлиб ўтди.

***

Хилқаро «Экосан» жамғармаси шу ойнинг охирида Оролбўйига навбатдаги саломатлик поездини юборишни мўлжалламоқда.

***

Сариосиё туманида жаҳонга машҳур «Моторола» фирмасининг радиотелефонлари ишлай бошлади.

***

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлигида болаларнинг атоқли шоири Зафар Диёрнинг 85 йиллик юбилейи кенг нишонланди.

***

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида пул кредит сиёсати бўйича Республика комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

***

Тошкент вилояти деҳқонлари дон топшириш йиллик режани бажарди.

***

Термиз Давлат университети ва Тошкент кимё-технология институти олимлари — профессорлар Р. Қулматов, Д. Юсупов, доцент Х. Тўраев билан ҳамкорликда саноат чиқиндилари ва бошқа маҳаллий хом-ашёдан автомобиллар учун арзон ва сифатли тормоз суюқлиги ихтиро қилди.

***

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллиги арафасида Вобкент туманидаги Сактафон, Куплос ва Кумушкент қишлоқларидаги хонадонлар «зангори олов»дан фойдалана бошлайди.

ПУХТА ҲОЗИРЛИК

Республика Маданият ишлари вазирлигининг Ҳамза номидаги мусиқа билим юрти ўқувчилари Мустақилликнинг 6 йиллигига катта ҳозирлик кўрмоқда. Ўқув маскани Мустақиллик майдонидаги катта концертда М. Бафоевнинг рапсодиясини ижро этади. Бундан ташқари Тошкентнинг Ҳ. Олимжон, Улуғбек майдонларида концертлар беради. 73 йиллик бу мусиқа масканида янги ўқув йилида 400 дан зиёд ўқувчи сеҳрли оҳанг сирларини эгаллашга киришади.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ЁШЛАР АМЕРИКАДА ЎҚИШАДИ

Беруний номидаги Тошкент Техника университетининг «Бизнес мактаби» талабалардан 19 кишини хорижий университетларда бакалаврлик касбини эгаллаш учун ўқишга юбормоқда. АҚШнинг Колорадо, Аризона, Алабама, Флорида, Виржиния каби штатларидаги университетларда таҳсил олишга йўл олаётган 11 йигит ва қиз орасида Улуғбек Қосимхўжаев, Саидаброр Сиддиқов, Маъмур Раҳимов, Камола Дадахўжаева ва бошқалар бор. Тошкент Техника дорилфунуни ёшлари Англия ва Германияда ҳам ўқиш учун ҳужжатлар олишди.

Маъсуда ЁҚУБОВА.

БОЗОРДАН ЎРИН ТОПГАННИНГ БИРИ ИККИ БЎЛАВЕРАДИ

Шўрчида 1997 йилнинг биринчи ярмида аҳоли жон бошига 9372 сўм халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Бу вилоят кўрсаткичидан беш баравар зиёддир.

Шўрчи мебель ҳиссадорлик жамиятининг бу ютуққа қўшаётган ҳиссаси салмоқли. Олти ойда бу ерда 18 миллион 300 минг сўмлик истеъмол моллари, жумладан 15,6 миллион сўмлик мебель ишлаб чиқарилди.

Ҳозир жамоа 33 хил мебель жиҳозлар тайёрламоқда. Ташкил топганига энди ўн йил бўлган жамоа замонабоп уй жиҳозларини ишлаб чиқаришда бой тажриба орттирди.

— Мақсадимиз истеъмолчининг диди, талабига қараб ишлаш, бозордан ўрин топа билиш, — дейди жамоа раиси Қарши Қодиров. — Даромадимиз яхши. Ҳар бир ишчига ўртача 7 минг сўмдан дивидент улащдик. Ўз даромадимиз эвазига технологик жараёнларни такомиллаштираяпмиз.

Олимжон УСАНОВ.

«МЕҲРОБДАН ЧАЁН» СУРАТГА ОЛИНМОҚДА

Қўқонда ёзувчи Абдулла Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» романи асосида кўп серияли телефильмни суратга олиш бошланди. Фильмга Маҳкам Мелиев режиссёрлик қилмоқда. Исфарагузар маҳалласи, Худоёрхон ўрдасида ва бошқа жойларда суратга олинаётган бу фильм 11 қисмдан иборат бўлади. Мирзо Анвар ролини фарғоналик талаба Ислом Маннопов, Раъноии эса Тошкент театр ва рассомчилик институти талабаси Дилдора Рустамова ижро этишмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

ДИЛТОРТАР МАСКАН

Қорақалпоғистон Республикаси Беруний шаҳар деҳқон бозори кундан-кунга обод бўлиб, тобора гавжумлашмоқда. Шу кунларда 200 ўринли ёпиқ бозор қурилиши жадал олиб борилмоқда. Шарқона услубдаги маиший хизмат шўъбалари хусусий дуконлар кўзни қувонтиради. Айниқса, мисгар, темирчи, этикдўз, каби усталар учун мўлжалланган миллий ҳунармандчилик масканлари диққатга сазовор. Беруний бозори яқин кунларда дилтортар жойлардан бирига айлангусидир.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

Диққат: янги рукн!

ИЗҲОР ҚЎНҒИРОҒИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 6 йиллик байрами тобора яқинлашмоқда. Олти йилда озод Ватанимиз асрларга татигулик шонли йўлни босиб ўтди.

Хўш, Мустақиллик сизнинг ҳаётингизда, турмушингизда қандай янгиликлар ясади? Сиз яшаётган маҳалла, қишлоқ, туман ва шаҳарда қандай ўзгаришлар содир бўлди? Умуман, Мустақиллик сизга нима берди? Эртанги кунни қай тарзда тасаввур этасиз?

Азиз газетхонлар! Таҳририят сизлар билан ана шулар ҳақида бевосита фикр алмашиш, ўй-мулоҳазаларингизни билиш мақсадида юқоридаги янги рукнни ташкил этди. Марҳамат 133-76-04, 133-47-80 рақамли телефонларимизга қўнғироқ қилиб ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг. Биз уларни ўша куниёқ газетада чоп этамиз.

Партия ахбороти

ФОЙДАЛИ УЧРАШУВ

Жорий йилнинг 8 август куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида АҚШ давлат департаментининг Ўзбекистон бўйича бўлим бошлиғи Лоуренс Конналл билан учрашув бўлиб ўтди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов америкалик меҳмонга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мамлакат ижтимоий ҳаётидаги ўрни, дастурий ғоялари ва амалий сиёсати, партиянинг Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги фракция ҳамда гуруҳларининг фаолияти хусусида гапириб берди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Америка муносабатларини чуқурлашиб бораётганининг, хусусан, бунда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг 1996 йил июнь ойидаги АҚШга ташрифи ҳамда унинг давомида Президент Билл Клинтон билан учрашганлигининг, муҳим аҳамияти таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳабибулла Авезов иштирок этди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Грузия ва Чеченистон Президентларининг Тбилисидаги учрашуви 20 августгача бўлиб ўтиши керак. Бу ҳақда журналистларга Грузия пойтахтида Чеченистон бош вазири ўринбосари Аҳмад Закаев айтди. Унинг сўзларига қараганда Грузия Президенти билан учрашув пайтида ана шундай келишувга эришилган. Яна Закаев шуни ҳам айтдики, Эдуард Шеварднадзе ва Аслан Масхадов учрашув давомида Кавказдаги умумий вазият ҳамда Абхазиядаги аҳволни яхшилаш истиқболларини муҳокама қилишади.***

* * *

☑ ***АҚШнинг Болқон ярим оролидаги собиқ махсус вакили Ричард Холбрук Белград шаҳрида Югославия иттифоқи Президенти Слободан Милошевич билан музокаралар олиб боради.***

* * *

☑ ***Исроил фуқаролигини олган араблар делегациясининг Сурияга дастлабки ташрифи бошланди. Унинг таркибида Кнессет депутатлари, шаҳарларнинг мэрлари, журналистлар бор. Делегацияни Дамашқ шаҳри мэри Зухейр Таглиби ва Арафотга қарши муҳолиф «Фаластин миллий қутқариш фронти» раҳбари Холид Фохум расмий равишда кутиб олишди. Делегация аъзолари қатор Сурия сиёсий ва жамоат арбоблари, Суриядаги фаластинликларнинг раҳбарлари билан учрашиши кутилмоқда.***

* * *

☑ ***Швейцарияни ҳам қўшганда 20 дан ортиқ мамлакат иккинчи жаҳон уруши пайтида нацистлар томонидан ўғрилаб кетилган олтин ва бошқа бойликларга бағишланган халқаро конференцияда иштирок этади. Конференция шу йилнинг декабрь ойида Лондон шаҳрида ўтади. Конференция иштирокчилари нацистлар қанча олтин ва бойликларни ўғрилаб кетганларини аниқлашга уриниб кўрадилар. Урушдан сўнг Швейцария иттифоқчиларга 400 миллион фунт-стерлинг миқдоридаги бойликларни қайтариб берган. Бу ушбу мамлакат нацистлардан олган маблағининг арзимаган бир қисми, холос.***

ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

ТОШКЕНТ. НУКУС КЎЧАСИНИНГ БУГУНГИ ЖАМОЛИ.

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМЛАРИ

Байрам кенг маъноли тушунча. Уни ҳар ким ўзича талқин қилади. Инсон ҳаётида шундай қувончли лаҳзалар бўладики, у буни байрам деб атайди. Жаҳон саҳнасида шундай воқеалар бўладики, у бутун-бутун давлатлар, миллионлаб инсонлар тақдирини ўзгартириб юборади. **Мустақиллигимиз эълон қилинган кун бизнинг энг муқаддас байрамимиздир.**

Байрам деган сўз бизга янгилик эмас. Истиқлолга эришганимизга қадар ҳам кўплаб байрамларни кўрганмиз, иштирок қилганмиз. Аввалги байрамларни ҳар ким ўзича хотирлайди. Мен ҳам тез-тез эслаб тураман. Бу қўмсашдан эмас, албатта. Меҳнат билан ўтган болалигимни эслаганимда беихтиёр ёдимга тушаверади. Гўё болаликдаги байрамларгина қувончли дамлар бўлиб ёдда қолгандай.

Болалигимизда кўпроқ байрамлар бўлишини хоҳлар эдик. Бунинг асл сабабини ҳозир англаб турибман.

Ўша пайтда иккита «буюк» байрам бўларди. Бири баҳорда, иккинчиси кузда. 1 Май байрами далада иш қизиган пайтга тўғри келарди. Кетмони ўзидан катта болалар тонгдан шомгача баҳор жазирамасида чопиқ қилардилар. Кўпчилик бу байрамнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етмасди, қизиғи ҳам йўқ эди. Муҳими, агар далага сафарбарлик эълон қилинмай, ўқишлар тўхтатилмаган бўлса, бутун мактаб билан туман марказига намойишга борардик. Шу баҳонада бир кунгина бўлса ҳам ташвишларни унутиб,

Шукрона

болалардек яйрар эдик.

Иккинчиси пахта терими қизғин паллага кирган даврга тўғри келарди. Бу байрам катта шаҳарларда дабдаба билан нишонланар эди. Бу кун расман дам олиш деб айтилган бўлса ҳам бунинг далада-гиларга, шу қатори биз ўқувчиларга ҳам дахли йўқ эди. Фақатгина шу куни ҳеч кимдан «норма» талаб қилинмас, биз ўзимизни ҳар кунгидан эркинроқ ҳис этардик.

Биз учун юқоридаги байрамларнинг «оламшумул тарихий аҳамияти»нинг бир пуллик қиммати йўқ эди. Асосийси, ушбу имкониятлардан унумлироқ фойдаланиб, бироз бўлса-да, хурсандчилик қилиш, эди холос.

Байрамларни шу тариқа нишонлаш бизга ака-опаларимиздан анъана бўлиб қолган эди. Бу анъанани биздан сўнг яна ўн йиллар ука-сингилларимиз давом эттирдилар.

Шукр қиламан, ўзлигимизни англатадиган ҳақиқий байрамларни нишонлайдиган кунларга етиб келдик. Мустақиллик куни, Наврўз айёми, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари... Бу байрамларда жисмимизгина яйраб қолмасдан, қалбларимиз қувончга, фахр-ифтихорга тўлади. Ҳақиқий байрамлар қандай бўлиши кераклигини қайта-қайта ҳис этамиз. **Аввалари фақат байрамлардагина яйраб қолишга ҳаракат қилиб яшаган бўлсак, энди озодликнинг ҳар бир куни байрамдир.** Замондошларимизга, айниқса, мустақиллигимиз тенгдошларига ҳавасим келади. Ахир болаликни ширин хотиралар билан эслаш қандай яхши. Ўйнанглар, кулинглар! **Энг асосийси бизга бугунгидай кенг имкониятлар очиб бераётган Мустақилликнинг қадрига етинглар!**

Қодиржон ҚАЮМОВ.

Партия ташкилотларида

ДАВР САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Ўзбекистон ХДП Собир Раҳимов тумани кенгаши маҳалла фаоллари, турли жамоат ва ишлаб чиқариш ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада иш олиб бормоқда. Туман партия кенгаши ҳисобида турган уч мингдан ортиқ партия аъзоси 130 та бошланғич партия ташкилотига бирлашган. Биргина ўтган йилда туманда партия аъзолигига 617 киши қабул қилинганлиги бу борадаги ишлар яхши йўлга қўйилганлигидан далолат.

Туманда амалий тадбирлар ўтказиш одат тусига кирган. Уларда республика ҳаётида содир бўлаётган барча муҳим воқеаларга эътибор қаратилянти.

Яқинда туман партия кенгашининг ана шундай муҳим тадбирларидан бири Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобига бағишланди.

Ушбу китобнинг Ватанимиз бугуни, эртаси — келажаги учун нақадар муҳим аҳамиятга молик эканлигини иқтисод фанлари доктори, профессор Собир Салимов тўпланганларга қизиқарли мисоллар билан тушунтирди.

Кейинги пайтларда шундай йиғилишлар туман партия кенгаши раҳбариятининг ташаббуси билан жойларда амалга оширилаётганлиги эътиборга лойиқ. Бир сўз билан айтганда Собир Раҳимов тумани кенгаши олиб бораётган ишлар энг аввало маҳалла ва гузарларда ўз аксини топмоқда. Уларда истиқомат қилаётган кекса партия аъзоларининг фикларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Маъмуржон ҚИЁМОВ.

ХАЛҚ РУҲИГА СИНГИМОҚДА

Ўзбекистон Реснубликаси Президенти Ислом Каримов амалга оширилаётган ислоҳотларга бош бўлиб, мамлакатимизни ўзига хос ва мос тарзда, буюк келажак сари бошлаб бормоқда. Юртбошимизнинг «XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китоби шундай сиёсатнинг ёрқин далилидир. Янги аср китобига қизиқиш нафақат зиёлилар орасида, балки маҳаллалардаги оддий фуқароларда—халқ орасида тобора ортиб борянти.

Тумандаги мавжуд маҳалла фуқароларига китобнинг асосий йўналишлари ҳақида тушунча бериш мақсадида Тошкент шаҳрининг Миробод тумани кенгаши ташаббуси билан маҳалла бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида китобни ўрганишга бағишланган ўқув семинари ўтказилди.

Семинарда сиёсатшунослик фанлари доктори, профессор Э.Каримов китоб юзасидан тўпланганларнинг саволларига батафсил жавоб берди.

Носиржон МАҲМУДЖОНОВ,
Ўзбекистон ХДП Миробод тумани кенгашининг иккинчи котиби.

Яқин-яқинларгача Тошкент шаҳрида яшайдиган фуқаролар телефон алоқасининг ночорлигидан шикоят қилишарди. Улар шу сабаб турли идораларга қатнашарди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бу соҳадаги камчиликларни бартараф этишга киришилди. Мустақил мамлакатнинг фуқаролари бемалол ўз қариндош-уруғлари билан, ишбилармон шериклар билан алоқа қилиб туришлари зарур. Бу борада Миробод тумани телефон алоқаси тармоғида диққатга сазовор ишлар қилинмоқда.

Бу ерда ҳар бир автоматик телефон станциясида замонавий асбоб-ускуналар, технологиялар жорий этилди. Масалан, радиорелейка дея аталган алоқа тури ҳам дастлаб шу ерда амалга оширилянтики, унинг хизматидан одамлар мамнун бўлишаётир.

Тармоқ бўйича 152 нчи АТС самарали ишлаб турибди. Алоқани янада яхшилаш учун кейинги йилларда автоматик телефон станцияларидаги асосий объектларнинг 50-60 фоизида янгиликлар жорий этилди.

Умуман, Миробод туман телефон алоқаси тармоғи Яккасарой, Сирғали, Чилонзор туманининг бир қисми ва Миробод туманларига хизмат кўрсатади. Айниқса, Сирғали туманида кейинги пайтларда телефон тармоғи ривожланмоқда. Чунки мамлакатимиз пойтахтининг ушбу туманида кейинги йилларда янги-янги уй-жой биноларни, саноат корхоналари, маданий-маиший объектлар ва турли муассасалар бунёд этилди. Бинобарин, туман аҳолиси ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Ҳозир бу ерда 200 мингдан ортиқ киши истиқомат қилади. Демак, Сирғали туманида автоматик телефон станцияси тармоқларини янада кенгайтириш талаб этилади. Айни пайтда туман аҳолисига 57-, 58-АТСлар хизмат кўрсатиб турибди. Ҳозир барча телефон автоматларини 7 рақамлига айлантириш учун ҳаракат қилинаётир.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, Миробод туман телефон тармоғи корхонасида аҳолига барча қулайликлар яратиб берилаётир. Жумладан, аввалари бирон хонадондан бирон оила кўчиб кетадиган бўлса, ўз-ўзидан унинг телефон рақами ўчириб қўйиларди. Токи янги оила келиб, АТС билан шартнома тузмагунча телефон ишламай турарарди. Энди эса янги кўчиб келган оилага телефон рақами бемалол расмийлаштириб берилади.

Бироқ, айримлар ўз хонадонларини чет элликларга ижарага бериб телефон ҳақини тўлаш борасида хатоликка йўл қўймоқдалар. Айтайлик, чет эл фуқароси бировнинг хонадонини ижарага олатуриб, унинг телефонидан фойдаланади, яъни ўз юрти билан кўплаб гаплашади. Ўз-ўзидан маълумки, телефон ҳақини тўлашни «унутиб» қўяди. Хонадон эгаси эса меҳмонни кузатиб қўйгач, телефон ҳақи кўпайиб кетганидан нолийди. Ундан чет эллик меҳмон фойдаланганлигидан бехабар бўлиб, телефон тармоғидагиларни айблайдилар. Бизнингча, фуқароларимиз хорижликлар билан ҳисоб-китоб қила туриб, телефон ҳақини ҳам унутмасалар кўнгилдагидек иш бўларди.

Айни пайтда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айрим корхоналарнинг раҳбарлари телефон ҳақини ўз вақтида тўлашни эсдан чиқаришаётир. Масалан «Таштекстильмаш» заводи 1 миллионга яқин маблағ ўтказиши зарур. «Силикат» акционерлик жамияти ҳам 300 минг сўм қарздир.

Яна бир муаммо борки, уни ҳам тезда ҳал этиш лозим. Масалан, катта корхоналар қошида очилган кичик корхоналар ёки қўшма цехларнинг вакиллари телефондан тўлиқ фойдаланадилар. Улар эса ўша катта корхона ҳисобидан телефон алоқасини амалга оширадилар. Вақт келиб кичик корхона тугатилгач телефон алоқаси учун тўланадиган ҳақ катта корхона зиммасига тушиб қолади. Шундай келишмовчиликларнинг олдини олиш учун Миробод телефон тармоғидагилар ана шу кичик корхоналарни ҳам расмийлаштиришга эътибор беришаётир.

Ислоҳот ва масъулият

ЭЛ ОЛҚИШИГА САЗОВОР БЎЛИШМОҚДА

— Корхонамиз ходимлари аҳолига намунали хизмат кўрсатиш билан бирга хизмат турларини янада кўпайтиришга ҳаракат қилишаётир, — дейди корхона бош муҳандиси Бахтиёр Холмедов. — Мўлжалимиз 2010 йилгача барча телефон тармоқларини 7 рақамлига ўтказиш. Кейинги тўрт йил ичида телефон алоқаси сифати икки марта оширилди. Энди айрим муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсам. Ҳозир биз фуқароларни телефонда гаплашиш маданиятига ўргатишимиз керак. Шу боис ҳам телефонда гаплашиш муддатини ҳар бир оила учун 180 минут қилиб белгиладик. Агар гаплашиш муддати бундан ошиб кетса, абонент ортиқча харажат қилишига тўғри келади.

Корхонада кўплаб ўз ишининг устаси бўлмиш кишилар меҳнат қилишади. Масалан абонент бўлими бошлиғи Асқар Хўжаев, бош муҳандис ўринбосари Эргаш Қосимов ва бошқалар кўпчиликка ибрат бўлишаётир. Яқинда бир неча мутахассисларимиз чет элларга тажриба ўрганиш учун юборилди.

Корхонада компьюетрлардан, роботлардан самарали фойдаланилмоқда. Эндиликда роботлардан кўп нарсани аниқлаб олиш мумкин. Шу боисдан телефон тармоғида сифат борасида тамоман бурилиш юз бермоқда. Телефонларнинг ёмон ишлаётганлиги ҳақидаги шикоятлар тобора камайиб бораётир.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

«ОНАМНИНГ ДУОСИ МЕНИ АСРАЙДИ»

Кейинги йилларда миллий санъатимизни ривожлантириш, истеъдодларни топиш мақсадида турли кўрик-танловларни ўтказиш оммалашиб кетди. Бироқ ҳақиқий истеъдоднинг дунёга келиши ноёб ҳодиса. Ўша истеъдоднинг камолга етиши, ўз устида ишлаши, халқ кўнглига йўл топмоғи учун вақт ва имкон керак. Кўрик-танловларнинг бўлаётгани, уларга ҳаваскор хонандаларнинг жалб қилинаётгани яхши. Халқимиз бу тадбирларни қутлуғ бир байрамдек кутади.

«Камолот-89» кўрик-танлови ҳали-ҳануз ёдимизда. Негаки, бу анжуман халқимизга Fиёс Бойтоев, Муҳриддин Ҳолиқов, Охунжон Мадалиев, Муҳамматкарим Сойиповдек хушовоз санъаткорларни топиб берган.

— Охунжон, сизнинг қўшиқларингизни илк бор «Камолот-89» да эшитганмиз. Ўша вақтгача сиз қаерларда куйлаб юрувдингиз?

— Фарғонанинг Олтиариғидаги Янгиараб қишлоғида юрувдим. 1983 йилда Фарғона Давлат педагогика институтининг мусиқа факультетини тамомлаганимдан сўнг, икки йил мактабда болаларга ашуладан дарс берганман. Бўш пайтларда созанда оғайниларимиз билан янги қўшиқлар қилардик. Аввалига таниш-билишлар, кейинроқ узоқ-яқиндаги тўйларга чақирадиган бўлишди. Ҳаваскор хонандани руҳлантириш учун унчалик кўп нарса керакмас, озгина мақтов, озгина қарсак эшитса, жиндек ҳайриҳоҳлик сезса, шунинг ўзи ҳам кифоя қилади. Мен ҳам у ер — бу ерда қўшиқларим қўйилаётганини эшитиб қолсам, жуда суюниб кетардим. Хуллас, 1987 йили Фарғона филармониясига ишга таклиф қилишди. Ўша йили биринчи марта филармониянинг 2000 кишилик ёзги биносида концерт берганман. Оёқларим титраб биринчи қўшиғимни қачон бошлаб, қачон тугатганимни ҳам билмайман. Одамларнинг олқишидан ўзимга келиб, кейинги қўшиқларни ижро этганман. Мухлислар талаби билан эртаси куни яна ўша жойда концерт бердим. Бунақа тумонат томошабин билан илк марта ўшанда учрашганман. Ўттизтача ўз қўшиғим бўлишига қарамай, «Камолот-89» га ҳам жуда чўчиб-чўчиб келганман.

— Ўшанда ижро этган қўшиғингиз «Кўнглимда бир ёр» ҳалигача халқ оғзидан тушмай, кўпчилик хиргойи қилиб юради. «Туркман қизга уйланаман» ҳам ҳозиргача машҳур қўшиқларингиздан саналади. Бунинг боиси нимайкин-а?

— Бу шеърни газетада ўқиб қолиб, ийе, жуда қизиқ экан-ку, деб куйга солганимга анча бўлганди. Тўғриси, уни саҳнага обчиқишимда соддалигим қўл келиб қолган. Ҳозирги ҳолатда шундай катта анжуманда — катта саҳнада «Қўйнимда бир ёр, кўнглимда бир ёр» деб куйлашга журъат топмаган, андиша қилган бўлардим. Билмадим, бу гап кўпчиликнинг тили учида турган гап эканми, қўшиқ тугаши билан гулдирос қарсаклар бўп кетди. «Туркман қизга уйланаман»нинг яралиши ҳам ғалати бўлган. Ўзимиз кўрик-танловга келганмиз, Тошкентни ҳали яхши билмайман. Борадиган жой ҳам, таниш-билиш ҳам йўқ ҳисоби. «Ёшлик» меҳмонхонасида хаёл суриб ётиб, жавон устида (илгарги меҳмонлар ташлаб кетган бўлса керак) турган «Муштум»га кўзим тушиб қолди. Ўртасидан шарт очсам — ўша шеър чиқиб қолди. Аста-аста ўзимча «Шарқни кезиб айланаман, айланаман, узун кўйлак кийган туркман қизга уйланаман» деб ҳиргойи қилиб ётдим. Созанда оғайниларимиз келгач, мана буни қаранглар деб ҳазил аралаш айтиб кўрсатдим. Шеър ҳам, куйи ҳам уларга жуда ёқиб кетди. Дарров ишладик. Соддаликни қаранг, эртасигаёқ битта янги қўшиқ бор эди деб ҳали сўзи ҳам ёд бўлмаган «Туркман қиз»ни айтиб юбордим, бўлмаса, айтилмаган қанча қўшиқларим тайёр эди. Тасодиф бўлдими — тақдир эканми, буниям халқимиз хурсанд бўлиб кутиб олди.

— Охунжон, ҳозир ёш хонандалар, ҳаваскорлар ҳам баракалироқ ижод қилишаянти. Яшин тезлигида янги қўшиқлар дунёга келаянти. Лекин нега энди улар асрий меросимиз бўлмиш мақом йўлларини, мумтоз ашулаларимизни, халқ қўшиқларини ўзлаштиришга унчалик шошилишмаскин?

— Мен ўзим «Камолот-89»нинг биринчи босқичида «Кўча боғи 2»ни, «Шитоб айлаб»ни, «Топмадим»ни ижро этиб берганман. Бошқа иштирокчилар ҳам мумтоз ашулалардан куйлашган. Балки ҳозирги ёш гуруҳлар ростдан ҳам бу усулларни қиёмига етказиб куйлашолмас, сўзларининг мағзини чақишолмас. Лекин уларнинг ҳам бу меросимизга нисбатан бутунлай бефарқ, беписанд эканлигига ишонмайман. Бу ерда иккита сабаб бор: биринчидан ёш хонанда тезроқ ўз йўли, ўз янги услуби билан чиқмоқчи бўлади. Иккинчидан, барибир булар ўзимизники-ку, бир кун ўрганиб оламан, қабилидаги кўнгли тўқлик ҳам уларни бироз чалғитаётган бўлиши мумкин. Лекин ҳозир халқимизнинг кўҳна санъатимизга, қадимий қадриятларимизга ҳурмати жуда тез улғайиб бормоқда. Гоҳо тўйларда ёш-ёш йигитлар келиб: «Ака, энди бир маза қиладиганидан эшитайлик!» деб илтимос қилиб қолишади. Хурсанд бўламиз. Чунки маза қиладиган деганда улар ҳам ўша сиз айтган қўшиқларни назарда тутишади.

— Миллий қўшиқларимиз камайиб кетаянти деган таъналарга хонанда сифатида қандай қарайсиз?

— Бу фикрларга озроқ эътирозим бор. Ҳамма нарсани пойтахтга қараб белгиламаслик керак. Бизнинг қишлоқларда телефон, водопровод сувлари танқисроқ бўлгани билан каттаю кичик халқ қўшиқлари, лапар, ўлан, ёр-ёрларни тўйларда чилдирма чалиб шунақа чиройли айтишадики, ўнта ҳофиз ҳам уларнинг олдидан ўтишга ботинишолмайди. Ҳалиги ғарбона йўлдан кетаётган гуруҳларга келсак, уларни ҳам ўз ҳолига қўйган маъқул. Чунки санъатни бўғиб бўлмайди, бир жойда таъқиқласангиз, иккинчи ердан портлаб чиқаверади. Дарё сувини тамбалаш мумкин, бироқ санъатни тўхтатиб бўлмайди. Илгари яратилган барча санъат асарларининг ҳам умри боқий бўлмагандир, ора-сира ўткинчилари ҳам бўлгандир, ахир.

Миллий қўшиқчилик

— Албатта. Шу йилнинг ўзида Ботир Зокиров, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов хотираларига бағишланган кўрик-танловлар ўтди. Ана шунақа анжуманларнинг тез-тез бўлаётганига қандай қарайсиз?

— Тўғри, ҳар битта танлов янги истеъдод кашф қилолмаслиги мумкин. Лекин устоз руҳини шод этиш, мана шундай буюк санъаткорлар ўтганини халқимизга тез-тез эслатиб туриш учун ҳам бунақа кўрик-танловларнинг ўтиб тургани яхши. Қолаверса, улар халқимизнинг, айниқса, қишлоқда яшаётган ёш ҳаваскорларнинг маънавий савиясига ҳам ижобий таъсир қилади. Масалан, ўзим, «Камолот-89»да қатнашиб, ғолиб бўлганимда, қишлоғимга урушдан омон қайтган одамдек кириб борганман. Ҳали шаҳар кўрмаган йигитда орият кучли бўларкан шекиллида... Умуман, ўрин олмаганимда, нима қилардим билмасдим... Масалан, бу йил ҳам Марғилоннинг катта боғида Маъмуржон Узоқов хотирасига бағишланган анжуман жуда кўп ёш ҳофизларимизга руҳ ва илҳом берди.

— Охунжон, саволим оғирроқ ботса маъзур тутасиз. Айрим қўшиқларингизнинг куйлари бир-бирига ўхшаб ёки такрорланиброқ қолаётгандек туюлмайдими? Шу маънода фақат ўзларингиз куй созламай, бошқа бастакорлар билан ҳам ҳамкорлик қилсангиз қандай бўларкин?

— Албатта, бир одамнинг ижод маҳсули бўлгандан кейин бир-бирига ўхшаши табиий. Лекин мен шуни сезсам, ўша қўшиқни халққа тақдим этмасликка ҳаракат қиламан. Бастакорлар билан ишлаш масаласига келсак, ишлаб ҳам кўрганман, лекин мухлислар ўша қўшиқларни мен кутгандек қабул қилишмаган. Шунинг учун ўз йўлимдан кетаверишга қарор қилиб қўйдим...

Нима ҳам дердик, Охунжон Мадалиев кўнглидаги гапни дангал айтди-қўйди. Мен ҳам унинг жуда кўп фикрларига қўшиламан. Миллий қўшиқчилигимиз ҳеч қачон кўнгил тахтидан тушмайди. Халқимиз суйган санъаткорлар бисотида улар жуда кўп.

Осмон Ерга энгашиб
Булут соғди кун бўйи.
Ёлғончи ёр туйида
Ёмғир ёғди кун бўйи.

Ёмғир эмас — ёққан бу
Келиннинг кўз ёшидир.
Йиғламанг ёр, қиз бола
Палахмоннинг тошидир.

Бу қўшиқнинг куйи ҳам, сўзи ҳам, нолалари ҳам фақат ўзбекча эканига эътироз билдириб кўринг-чи! Эътироз билдиролмайсиз. Охунжон Мадалиев дўстлари Муҳриддин Ҳолиқовнинг «Ким оладиё, шугинаниё», Fиёс Бойтоевнинг «Тегирмоннинг чархпалаги айланидиё», Илҳом Иброҳимовнинг «Белингга белбоғ боғламасанг ёрим демасман» қўшиқларини ҳам тўла маънода бутун бўй-басти билан миллий қўшиқлар эканини исботлаб эътироф этади.

Халқимиз яна бир қутлуғ анжуманни, яқинда Самарқандда бўладиган «Шарқ тароналари» халқаро фестивалини илҳақлик билан кутмоқда. Умидимиз, бу қўшиқ байрами ҳам шарқ наволарининг довруғини жаҳонга таратибгина қолмай, янги-янги истеъдодларни кашф қилади. Ўзбекистонимиз санъаткорларига эса ифтиҳор туйғуларини инъом этади.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА.



Олтиариқ. 1997 йил февраль.

Қўнғироқ

ҒОЙИБ БЎЛГАН ИССИҚ СУВ

Ёзнинг жазирама чилласида касалманд кишиларнинг иссиқ қумга, иссиқ сувга, қўйинг-чи тузли лойга кириши, дардига даво излаши аниқ. Ана шундай беморлар назарига тушган табиий кўл ва иссиқ қум, сув ҳавзалари республикамиз вилоятларида талайгина. Бунга мисол қилиб Навоий вилоятидаги, аниқроғи Қизилқум кенгликларидаги бир қатор туз ва сув ҳавзаларини ҳам кўрсатиш мумкин. Жумладан, Конимех туманининг «Қарнабота» жамоа хўжалиги, яъни Навоий — Зарафшон магистрал йўлининг қоқ белидаги иссиқ сув манбаи ҳам худди шундай кўпчилик назари тушган шифо маскани эди. 60-йиллар охирларида кон изловчи геологлар ҳиммати билан ташкил этилган бу ҳавза асосан оёқ, бел, қўл оғриғига чалинган одамлар учун кони фойда эди. Ҳатто сурункали бўғин хасталиклари, қон томир касалликлари учун ҳам бу ҳавза суви шифо эди. Чунки ҳавзадан табиий отилиб чиқаётган сув 45-48 даражада иссиқ бўлиб, унинг таркибида минерал тузлар, инсон организмига зарур бўлган микроэлементлар ўта сероб. Энг характерли томони газетамиз аралашуви ҳамда кўплаб беморлар таклифи билан бу ҳавза суви таркиби аниқланиб, унинг шифобахшлилиги ўрганилиб, бу ерда 50 ўринли сиҳатгоҳ, яъни тиббий дам олиш оромгоҳи қурилаётган эди.

Афсуски, ҳаммаси чиппакка чиқди. Қатор йиллардан буён бинойидек отилиб чиқиб турган, кўпчилик дардига малҳам бўлаётган иссиқ сув тўсатдан ғойиб бўлиб қолди. Бу йўқотишнинг сабабини Оллоҳдан бўлак ҳеч ким билмайди. Ҳавзада ҳозир бир томчи ҳам сув чиқмаянти. Иссиқ сув йўқлиги боис бу ердаги сиҳатгоҳ қурилиши ҳам тўхтади. Қурилиш материаллари эса талон-торож бўлмоқда. Энг ачинарлиси, шифобахш сув йўқлигидан бу ердаги дов-дарахтлар, ўсимликлар қовжирамоқда. Худди шу ўринда жиддий савол туғилади. Нима, сув бутунлай йўқолдими? У қайтиб чиқмайдими? Ҳа, ҳамма гап шунда-да! 30 йилдан ошиқ беминнат хизмат қилган ҳавза қувурлари занглаб, чириб, бутунлай яроқсиз бўлиб қолса-да, бирор марта ҳам таъмирланмади. Бунинг устига, қаровсизлик, хўжасизлик шу даражага етдики, бу маскан йўловчи ҳайдовчиларнинг машиналарини созлаш ва ювиш даргоҳига айланганди. Булоқнинг ғойиб бўлишига эҳтимол, шулар сабаб бўлгандир. Иссиқ сув йўлини қайта очиш мушкулми? Йўқ, асло! Озгина маблағ ва озгина ҳафсала бўлса, бас. Кончилар, тажрибали геологлар замонавий техника ва технология-қудрати билан бир зумда булоқ ва ҳавза «кўзини» қайта очишади. Бу эса Навоий вилояти ҳокимлигига, қолаверса республикада катта нуфузга эга бўлган Навоий конметаллургия комбинати раҳбарларига боғлиқ.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 11

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».

*

8.30 «Жаҳон киноси юлдузлари».
8.50 «Ҳамкорлик ришталари».
9.15 «Мулкдорлик ҳисси». «Ўзкинохроника» премьераси.
9.35 Болалар учун. «Сеҳрли оҳанглар».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Қора кўзлар ёдимга тушди». Киноконцерт.
10.30 Инглиз тили.
11.00 «Бармоқлар сеҳри». Телеочерк.
11.20 «Акс садо ҳақида эртак». Мультфильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.00 «Афандининг беш хотини». Фильм-спектакль.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 14.45 «Шийпондаги учрашувлар». Наманган вилояти Наманган тумани дала меҳнаткашлари ҳузурида.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Топилмалар идораси». Мультфильм.
18.20 «Илм ўзликни билмакдир...»
18.40 «Олам ва одам».
19.00 Хотира. «Пахтакор-79».
19.15 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига. «Гўзаллик оламида». «Ўзбектелефильм» премьераси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Сиёсат оламида».
21.50 Комилжон Отаниёзов номидаги I Республика ёш хонандаларининг танлови.
22.30 «Саҳна ҳаёти».
23.05 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига «Юртим муъжизалари».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Лирик тароналар.
00.15 — 00.20 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 Кундалик.
18.15 Эълонлар.
18.20 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.35 «Спорт қитъаси».
18.45 «Сувости дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Жаҳон кўзбўямачилари». Қизиқарли дастур.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.10 «Кинонигоҳ».
22.00 Кундалик.
22.10 «Бешинчи ўлчов».
22.25 «Спорт қитъаси».
23.00 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.50 — 24.00 Кундалик.

III

17.15 Янгиликлар.

*

Россия жамоат телевиденеси.
17.20 — 20.30

*

20.30 «Кругозор». Тележурнал.

*

Россия давлат телевиденеси.
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Граф Монте-Кристо». Бадиий фильм. 1-серия.
22.55 «Қувноқ сайр». Фильм-концерт.
23.15 — 23.35 «Ахборот» (рус тилида).

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Мультқарусель».
19.05 Эълонлар.
19.10 «Кўнгли синиқлар мактаби». Телесериал.
19.35 «Умид».
20.05 «Жаҳон».
20.25 «Авторейд».
20.35 «Фариштам».
21.05 «Ракурс».
21.35 «Спорт-тайм».
22.05 Эълонлар.
22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал.
23.00 «Гўзаллик ва мангулик».
23.20 — 23.30 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 12

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».

***

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Лирик тароналар.
8.55 Биржа ва банк хабарлари.
9.10 «Сиёсат оламида».
9.40 «Олам ва одам».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Спорт масканларида».
10.30 «Янги алифбони ўрганамиз».
11.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нурота. Буюк Ипак йўли».
11.20 «Шукуҳ». Тележурнал.
11.45 Комилжон Отаниёзов номидаги I Республика ёш хонандаларининг танлови.
12.25 «Қочоқ велосипед». Мультфильм.
12.35 ЎзТВ хазинасидан. Х. Султонов. «Мозийдан бир саҳифа». Видеофильм. 1-қисм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 — 15.20 «Тўртинчи доирадаги бир кеча». Бадиий фильм.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ромка, Фомка ва Артос». Мультфильм. 1—2-сериялар.
18.30 «Ўсмир ва қонун». Тележурнал.
18.50 «Шарқ табобати сирлари».
19.05 Олтин мерос. «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ранглар жилоси».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!» Қўшиқ байрами.
21.50 «Телевидение ва томошабин».
